Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган | № 23 (65998) 1997 йил, 19 март, чоршанба | Сотувда эркин нарҳда



УМРИНГИЗ БАҲОРДЕК ГУЛГА БУРКАНСИН

Бугун тонг ғира-ширасида уйғондим. Майна шунчалар завқ-шавққа тўлиб сайрардики, мен ўзимни чулдираб оқиб ётган ариқ бўйларида ялпизу исмалоқлар териб юргандек ҳис қилдим. Ҳа, баҳор кучга киряпти. Эрта-индин байрам! Урик гулларидан, атир ёққан ҳаводан байрам нафаси таралятпи.

— Ассалом, Наврўз! — дедим деразани ланг очиб. Ассалом, табиат! Ассалом, баҳорни соғинган менинг кичик дўстларим!

Кеча тонг саҳарда қўшнимиз ҳаммамизга бир косадан сумалак улашди. Ҳа, ўтган кеча биз, қўшнилар, сумалак сайлига чиққандик. Катталардан болалар кўп. Кимнинг ўғли ўтин ёрган, кимнинг қизи сумалакка ун элаган... Оналар эса ҳафсала билан тахтачада ундирилган буғдой майсаларини гўшт қиймалагичдан ўтказаётир...

Кичкинтойлардан бир гуруҳи сумалакка солгани силлиқ тошчалар териш билан овора! Бундай пайтда ҳеч ким бир-бирига қош-қовоқ уймайди. Соғлом руҳ, аъло кайфият, хушчақчақ кулгу, ўзаро меҳрибончилик, куйқўшиқлар дилларни эркалайди.

Қизлар, аёлларнинг чеҳралари жозибали, юзларига қон югурган. Оқшом чоғи бироз салқин бўлгани учунми, ё ўчоқдаги олов тафтиданми, болаларнинг юзлари лоладай қип-қизариб кетган. Дарвоқе, Абу Али ибн Сино нақл қилишларича, Наврўз келганда танада қон меъёри билан ҳаракат қиларкан. Кўклам чоғида чеҳраларнинг гулгунлиги ҳам шундан экан.

Наврўз кирган куни тун ва кун баробарлашиб, қуёш бизга яқинроқдан заррин нурини соча бошлайди. Ерга, дилга, гулга, бутун борлиққа яқинлашади садоқатли, ҳароратли қуёш ва нурафшон ёруғлик!

Эҳ, кўпни кўрган момолар, бегуноҳ гўдаклар номидан тилаймиз, сахий қуёш, нурларингни аяма!

Қаердандир болалар топиб келган доирани чертиб қўшиқ бошлаймиз. Сумалак виқирвиқири, Наврўз шаббодаси, ҳув нарироқда ўйнаётган болаларнинг шўх овози қўшиққа жўр бўлади.

Олам-олам орзулар сингиб кетган сумалак тонг маҳал пишиб етилади. Мазали сумалакдан тотиниб, дилимизга баҳор нашидаси, Наврўз шодлиги, момолар фазилати, тонглар тиниқлиги кириб келади гўё...

Ҳа, бугундан бошлаб биз барча гиналарни унутамиз. Бугун қўлимиздан келса ҳаммаҳаммага баҳор ҳидли бинафша улашайлик. Бугун ҳатто ит-мушукка, паррандага озор бермоққа ҳаққимиз йўқ. Яхши одатлар уруғи қалбимизда униб-ўссин, кўкарсин, кўпайсин! Наврўз байрамини қандай ўтказсак, йил бўйи кайфиятимиз ўшандай юради. Наврўзда нималарни орзу қилсак, улар албатта ижобат бўлади!

ЯХШИЛИК — ТИЛАКЛАРДА

Дарахтлар
шохланмоқда.
Деворлар оқланмоқда,
Кўнгиллар
покланмоқда —
Наврўзи олам бугун!

Бемор, мунглиғу
ёлғиз —
Одамларга
ғамхўрмиз...

Зиёратга шошингиз —
Наврўзи олам бугун!

Куч тўлди билакларга,
Яхшилик —
тилакларда,
Гина йўқ юракларда —
Наврўзи олам бугун!

Маъмура АЗИМОВА
Собир Раҳимов
туманидаги 111-мактаб
ўқувчиси

ХАЛҚ БАЙРАМИ

Кейинги йилларда Наврўз республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида нишонланадиган бетакрор байрамга, қутлуғ анъанага айланиб қолди. Таъбир жоиз бўлса, бу шарқ халқларининг, хусусан ўзбек миллатининг нуфузли тарихий қадриятларидан биридир.

Наврўзнинг ўзига хос, бошқа байрамларга ўхшамайдиган жиҳати шундаки, у ҳар қандай мафкурадан, сиёсатдан холи умумхалқ байрамидир. Шу боис Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлисида Юртбошимиз буни алоҳида таъкидлади. Азиз болажонлар, тўғри, ҳар қандай байрам ҳам яхши, завқли. Бироқ Наврўзда сизу бизнинг қиладиган «юмушларимиз» ҳам бор. Аввало ҳовли саҳни, кўча-кўй, билим масканларимизнинг озодалигини кўздан кечирайлик. Кейин эса кексайиб қолган буви, бувалаи римизни зиёрат қилайлик. Албатта бунда бемор ётган ўртоғимиздан ҳам хабар олишни унутмайлик. Ахир Наврўз яқинлашяпти-ку...

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА ЎҚИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Куни кеча матбуотда Америкада мактаб таълими олишни истовчилар учун эълон босилди. Таълим ва тил ўрганиш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича Америка кенгаши (АКСЕЛС) мактаб ўқувчилари учун янги дастур тавсия этади. Пул тўлаш асосида АҚШга бориш, бир семестр ёки академик йил давомида у ерда яшаш ва умумтаълим мактабига қатнаш имкони бўлади. Дастурда қатнашиш учун Тошкентда 24 мартда АКСЕЛС вакиллигида бўладиган инглиз тили бўйича тестдан ўтиш шарт. Омадингни синаб кўр, азиз ўқувчи.

ЯНА КИНОФЕСТИВАЛЬ БЎЛАДИ

Эшитган бўлсангиз, шу йилнинг 22-29 май кунлари Тошкентда анъанавий XII халқаро кинофестиваль ўтказилади. Шу кунларда кинофестиваль матбуот маркази тузилиб, иш фаолиятини бошлади. Унинг асосий вазифаси анжуманга тайёргарликнинг бориши ҳақида республика жамоатчилигини хабардор этишдан иборат. Кеча киночилар уйида кинофестивалга бағишланган биринчи матбуот конференцияси ўтказилди.

БУХОРОЧА НАВРЎЗ

Наврўз байрамида ҳеч Бухорода бўлганмисиз? Бизда Наврўз ўзгача нишонланади. Қандай дейсизми? Бўлмаса эшитинг.

Орзиқиб кутганимиз баҳор кириши билан Бухоронинг дашту далалари қизғалдоқларга, ёввойи гулларга тўлиб кетади. Ҳамманинг кўнглида баҳорий ҳис-туйғулар жўш уради. Қадим мақбаралар тупроғини ёриб чиққан ҳар бир майсада яшаш, яшариш нафаси уфуриб, боболаримизнинг уйғоқ руҳлари барқ уриб тургандек бўлади. Ҳар баҳорда лайлакларни интизор кутаётган миноранинг соғинчини энтикиб ёғаётган ёмғирлар тинглайди. Она тупроқнинг ёмғирдан кейинги муаттар бўйларини шамол олис-олисларга олиб кетади.

Ҳамманинг кўнглида ёруғ орзиқиш: Наврўз яқинлашмоқда. Жамалаксоч қизалоқлар илк бор тика бошлаган зардўз дўппию камзулларини тезроқ битказишга ошиқадилар. Чунки улар Наврўз куни ўз яқинларига дилтортар заррин нақшлар билан безалган байрам туҳфаси тайёрлашади. Қандолатпазлар бухороча оби новвот, қанд-қурслар тайёрлашга киришадилар.

Меҳрибон бибижонлар қадимий одат бўйича мушку анбар ҳидли қирмизи гулоблар ҳозирлаб, яхши ниятлар билан идишларга солиб қўйдилар ва Наврўз байрамида хонадонларга ташриф буюрган ҳар бир меҳмонга янги йилда эзгулик, бахт келтиришини тилаб сепадилар. Ўша куни янги йилда тўкинчилик бўлсин деб ҳар бир остонага ёғ қуйилади.

Бошдан-оёқ заррин либосларга ўранган келинчаклар «Келин талбон»га чиқадилар, яъни улар қавм-қариндош, кўни-қўшниларнинг уйларига чақирилиб, келин базми ўтказилади. Келинчаклар ўзлари тиккан гулдор рўмолчаларни барчага тарқатадилар.

Наврўз шодиёналари ҳар бир гўшага ўзгача тароват билан кириб боради. Ўша куни одамлар тўп-тўп бўлиб ўтган азиз-авлиёларнинг руҳларини шод қилиш мақсадида муқаддас қадамжоларга зиёратга борадилар. Бибиларимиз, боболаримиз қўлларини дуога очиб, яратгандан юртга омонлик, хотиржамлик, қут-барака ато қилишини сўрашади. Шудгор далаларга эндигина тетапоя қилган болакайларга уруғ септиришади. Ҳамма бир-бирига меҳрибон, оқибатли бўлиб, бева-бечоралар, бемору етим-есирларнинг ҳолидан хабар олиб, кўнглиларини шод қилишади.

Дастурхонларга баҳор таомлари: кўк сомса, чучвара, бичак, ҳалиса, сумалак тортилади. Бухорода Наврўз бухороча бўлади.

Қозонларда қайнар сумалак,
Ҳамма қувнайди дилдан.
Кетма асло Наврўзжон,
Бизнинг муқаддас элдан.
Азонларга қўшилиб янграр,
Мозийлардан келган бир
садо:
Янги йилда ризқинг бут
бўлиб,
Бошинг баланд бўлсин,
Бухоро.

Зайнабхон МЕҲМОНОВА,
Бухоро вилояти,
Жондор туманидаги 20-ўрта мактаб ўқувчиси

КУН ҲАМАЛҒА КИРДИ ЭРСА, КЕЛДИ ОЛАМ НАВРЎЗИ... ТОНГ ПАЗИРЛАБ НАҚШИ БИРЛА БЕЗАНУР БУ ЕР ЮЗИ

Носириддин РАБҒУЗИЙ

Азиз болалар! Наврўз дегани аслида Янги кун, Йилбоши маъноларини англатишини яхши биласиз. Шарқ халқлари, хусусан, бизнинг авлод-аждодларимиз асрлар мобайнида бу байрамни эзгулик, омонлик, меҳр-муҳаббат байрами сифатида нишонлаб келганлар.

Юртбошимиз фармони билан .1992 йилда ташкил этилган «Наврўз» хайрия жамғармаси ҳам ўзининг бош вазифаси— меҳр-шафқатга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, миллий қадриятларимизни тиклаш ишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Жамғарма тарихини бир бошдан ҳикоя қиладиган бўлсак, катта китоб бўлади. Биргина ўтган йилнинг ўзида соҳибқирон бобомиз Амир Темур туғилган кунининг 660 йиллигига бағишлаб турли вилоят ва туманларда умумхалқ байрамларини ўтказдик. Жумладан, Уйчи, Ғаллаорол, Челак каби туман ўйингоҳларида бу тадбирларга ўн минглаб кишилар қатнашди.

Жамғармамизнинг асосий мақсадларидан бири ночор ва муҳтож оилаларга хайрия ёрдами кўрсатишдир. Ўтган йили вилоят бўлимларимиз билан бирга ҳисоблаганда ана шу мақсадда қарийб саккиз ярим миллион сўмлик хайрия тадбирлари бажарилгани «Наврўз»нинг катта ишларидан далолат беради.

Бу йилги режаларимиз ҳам улкан. Ўзбекистон телерадиокомпанияси, республика халқ банки билан ҳамкорликда «Инсон манфаатлари учун» деб аталган пул-буюм лотереясини чиқардик. Битта билетнинг нархи 100 сўм, лекин лотереяга қўйиладиган ютуқлар жуда катта. Битта энг катта ютуққа 4 хонали уй, юмшоқ мебел, видеомагнитофон, «Нексия» автомобили чиқиши мумкин. Бундан ташқари, тиражда яна «Нексия», «Тико» ва «Дамас» автомобилларидан еттиштаси ўйналади. Лотерея сотувидан тушган соф фойданинг ярми ютуққа қўйилса, қолгани инсонни эъзозлашга, хайрия ишларига сарфланади.

Болалар, сизларни Наврўзи олам билан чин юракдан табриклаймиз! Юртимиз тинч, хонадонларимизда хотиржамлик ҳукм сурсин!

Дадахон ЁҚУБОВ,
«Наврўз» жамғармаси раиси

БОЙЧЕЧАК

Тоғу тошдан униб чиққан,
Бойчечак, бойчечак.
Ассалом, деб кулиб чиққан,
Бойчечак, бойчечак.

Кўм-кўк баҳор элчисисан,
Бойчечак, бойчечак.
Янги ҳаёт белгисисан,
Бойчечак, бойчечак.

Энг биринчи очилишга
Тайёр турган ғунчасан,
Биз —бахтиёр болаларга
Ўхшаб кетдинг мунча сан.

Гунафшадан олдин чиққан
Қир гулисан, қир гули,
Яшил кўйлак кийган дала—
Сунбулисан, сунбули.

Япроғингда яйраб ўйнар
Офтоб нури зарраси.
Еллар сенга қўшиқ куйлар,
Гўё она алласи,

Кел, биз билан бўл қадрдон,
Чаккамизга тақайлик.
Тинч, мусаффо турсин осмон,
Биз шодланиб боқайлик.

Тоғу тошдан униб чиққан,
Бойчечак, бойчечак.
Ассалом, деб кулиб чиққан
Бойчечак, бойчечак.

Наримон ОРИФЖОНОВ

ОНАЖОН

Ҳурматим изҳорига қаламим ожиз,
Бир умр таъзимим сизгадир жоиз.
Қалбимдан отилар баҳорий бир ҳис
Гул Наврўз муборак сизга, Онажон.

Мен шоир эмасман, ёзолсам достон,
Она бор, бу дунё азалдан бўстон.
Она бор, ҳар уйда алла ва хандон,
Умрим бор, қарздорман сиздан,
онажон.

Кимдир қувончимни кўролмас ҳануз,
Бу бунё — ярми тун, ярми-чи — кундуз
Ҳаётдан кетмасин ҳеч кимса беиз,
Шоҳлар ҳам эгилар сизга, Онажон.

Мана, кулиб келди ўлкамга баҳор,
Юракда ҳаяжон, дилда ифтихор.
Оналар бағишлар баҳорга виқор,
Баҳорлар муборак сизга, Онажон.

Онажон, сиз бугун жаннати бўлиб,
Қайларда юрибсиз, Руҳга айланиб.
Шеърларим қолсайди ойга айланиб,
Илҳомлар тилайман сиздан, Онажон.

Рамазон БАҚОЕВ,
Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани
Алишер Навоий номли мактаб муаллими

ОЛЧА ГУЛЛАБДИ

Катта кўча бўйида олча гуллабди-я. Наврўздан аввал бодом гулларди.

— Ҳа, болам. Шу сиз кўрган олча гулини кўзларимга суртиб, йиғлаб кўришаман у билан, — дейди эллик тўрт ёшли қўшнимиз Муқаддам ая Исмоилова. —Умр ўтгани сайин инсон баҳорга кўпроқ интизор бўларкан. Қиш охирлади, дегунча мана шу олча новдаларига қарайвераман, қарайвераман... Бу— тоғ олчаси. Иссиқ иқлимда эрта гуллайди. Набираларим Маҳмуджон ва Улмасжонлар бир яшарлик вақтида, бундан беш йил илгари экилган. Икки марта гуллади.

— Шу кунларда хаёлингиздан нималар кечаяпти?

— Наврўз ҳам келиб қолди. Яқинда фалак чақинлар чақади. Еру осмон анвойи ҳидларга тўлади. Шундай ҳаяжонли дамларда қўшниларимиз бир-бирига ўқ узишяпти. Бир ёнда тожик қийналса, бир ёнда афғон ўртаняпти, Шоирона айтганда, озорда озор ўртанса, арманда армон ўртаняпти. Кимгадир жон хавфи бўлса, кимгадир нон ваҳми бор. Наврўз билан бизнинг эртамиз умидвор уйғонмоғи лозим. Наврўз бизга қут-барака, тотувлик ва осойишталик олиб келармикин? — деб ўйлаяпман. Мен фақат малаклар гирдини олган қозонгина оташдан ўртанишини истайман. Тўрт фарзандимнинг роҳатини, келин ва куёвларимнинг саодатини, невараларимнинг шодлигини кўришни хоҳлайман.

— Аёмингиз муборак бўлсин, аяжон!

— Раҳмат, болам, сиз ҳам шодланинг. Наврўз — шодликлар фасли.

Мухтор БЕК

Ҳозирги кунда ҳамма вилоятлар ва туманларда Наврўз ҳашари қизғин давом этаётир. Ҳашарларда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган каттаю кичик қалб даъвати билан иштирок этиб, қиш қолдиқларини, ариқ, зовур каби сув йўлларини, ҳовлилар ҳамда кўчаларни тозалашмоқда. Боғлардаги дов-дарахтларга шакл бериб, турли-туман гул кўчатлари, манзаралари ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазмоқдалар.

Сирдарё туманидаги Ҳамид Олимжон номли 7-ўрта мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам ҳар йилгидек, бу хайрли тадбирдан четда туришгани йўқ. Дарсдан ташқари пайтларда ва дам олиш кунлари директор Миразим Йўлдошев бошчилигида мактаб атрофини тозалаб, мевали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазмоқдалар. Мактабнинг

ҲАШАРДА...

Сирдарё вилоятида машҳур бўлган «Ҳумо» ва «Нафосат» бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари эса дам олиш пайтларида ҳашарчиларга кичик концертлар қўйиб, уларга ишчан руҳ бахш этмоқдалар. Айниқса «Ҳумо» гуруҳи қизлари ижросидаги А. Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар барча ҳашарчилар юрак торларини чертиб, уларда катта таассурот қолдирди.

Сураткаш Холмурод ТОШМУХАМЕДОВ

МАКТАБИМИЗГА МУҲАММАД—ГАРМОН КЕЛДИ

Наврўз арафасида мактабимизда навоийхонлик кечасини ўтказдик. Унда буюк шоир ғазаллари ўқилди, бадиий ўқиш бўйича кўрик-танлов бўлди. Адабий кечага бағишлаб альбом тайёрладик. Навоийхонликни она тили ва адабиёти ўқитувчимиз Муҳаббат опа Тиркашева бошчилигида ўтказган бўлсак ҳам, 8-синф ўқувчилари унда фаол қатнашдилар. Мактабимизда умумхалқ байрами — Наврўзни кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрдик. Мактаб ҳовлиси ва унинг атрофлари тозаланди. Байрамга бағишланган шанбалик куни турли хил мевали дарахт кўчатлари ўтқаздик, аввал экилганларининг танасини оқладик.

Наврўз куни бошланғич синф ўқувчилари учун «Уч авлод учрашуви» деган дастур ишлаб чиқилди. Бунда кекса отахонлар, онахонлар ҳамда тумандаги бошқа мактабларнинг раҳбарлари қатнашадилар. Учрашувда савол-жавоблар, қизиқарли суҳбатлар бўлиши кўзда тутилмоқда. Учрашув охирида мактабимиз бадиий ҳаваскорлари ижросида концерт берилади. Шунингдек, «Наврўз таомлари» мавзусида ҳар йилгидек, танлов ўтказиш ниятидамиз. Бунда ҳар хил баҳор кўкатларидан пишириқлар тайёрланади, ғолиблар тақдирланади. Бу тадбирга бошланғич синфларда лотин ёзуви бўйича дарс берадиган Феруза опа Умарова, мактаб касаба уюшмаси раиси Бахтиёр ака Тулаганов ва директорнинг ташкилий ишлар бўйича ўринбосари Маҳмуд ака Йўлдошевлар бошчилик қилишди.

Байрам арафасида севимли бастакор ва хонанда Маҳамаджон Шокиров бошчилигидаги «Маҳамад—Гармон» дастаси мактабимизга келиб, баҳор ва Наврўзга аталган концерт кўрсатишди. Мактабимиз директори Абдураҳмон ака Абдураимов санъаткорларга раҳмат айтиб, болалар кўклам олдидан катта бадиий завқ олганликларини алоҳида таъкидлади.

Улуғбек ҚОЛДИБЕКОВ,
Тошкент вилояти,
Янгийўл туманидаги 15-мактабнинг 11-синф ўқувчиси

САХОВАТ ГУЛДАСТАСИ

Беш ёки олти йил бўлди. Мен дадам билан Тошкентга — амакимларникига боргандим. Пойтахт жуда кўркам экан. Унинг устига ўша кунлари Наврўз байрами нишонланаётганди. Шаҳарда ранг-баранг чироқлар — ғиж-ғиж. Йўл ёқаларида, хиёбонларда гуллар, лолалар очилиб ётибди. Кўчаларда одамлар... Ҳаммаси ясанган, қаёққадир шошилар эди. Бунақа байрамда пойтахтда, унинг гўзал кўчаларида юриш жуда мароқли эди.

Лекин ўшанда телевизорда берилаётган «Наврўз марафони» менга кўпроқ ёқиб қолди. У вақтларда мен ўзимизнинг Янги қишлоқдаги мактабнинг 4-синфида ўқирдим. Энди билсам, марафон — узлуксиз кўрсатув дегани экан.

Эсимдан чиқмайди: эрталаб уйғондим, апил-тапил кийиндим-да, нонуштага ўтирдим. Келин бувим шу маҳал ойнаи жаҳон қулоғини бураб қўйди: унда бир-биридан чиройли табиат манзаралари, ҳар хил давралардан тасвирга туширилган Наврўз сайллари, турли дасталар ижросидаги ашула ва рақслар кўрсатилди. Ора-сира серҳиммат кишилар, ташкилотлар раҳбарлари чиқиб, хайрия жамғармасига катта-катта миқдорда пуллар ўтказишди. Бунақа кўрсатувни умримда биринчи марта кўришим эди. Ёқиб қолди. Ўша куни шаҳар айланиш ниятимдан кечиб, кун бўйи телевизор кўрдим. Менинг қизиқишимни сезган амаким, «Ҳа, Фахриддин, болалар уйларидаги беморларга сиз ҳам ёрдам бергингиз келдими?» — деди. Бош қимирлатдим.

— Мен уларни қаердан топаман? Пулим ҳам оз.

Шунда амаким: Ҳечқиси йўқ. Кўнглингиздан чиқарганингизнинг ўзи етади. Юринг, сизни ҳам телевидениега олиб борай бўлмаса, — деди.

Ишониб-ишонмай, амаким билан телестудия биносига бордик. Бемор тенгдошларимга атаган ўн сўмимни кираверишдаги даричада жойлашган «Наврўз кассаси»га уз[illegible]дим. Кейин навбатим келганда камера қаршисига турдим-да, ҳаммани Наврўз билан табрикладим.

Ўшанда мени ҳамма — қишлоқдаги энам, бувим, қўшнилар, синфдошларим кўришибди. Лекин экранда қандай чиққанимни ўзим кўролмадим. Эртасига эрталаб узлуксиз кўрсатув тугаши олдидан кўрсатув ташкилотчиси телетомошабинларга раҳмат айтиб, бир кеча-кундузда халқимиз жамғарма ҳисобига жуда катта миқдорда маблағ ўтказганини эълон қилди. Оқибатли, ҳимматли элимиз борлигидан фахрланди. «Бу маблағ юртимиздаги бемор, ёрдамга муҳтож кишиларга берилади», — деди. Бу — зўр иш бўлганди.

Кейинчалик ана шундай узлуксиз кўрсатув бўлмай қўйди. Негалигини билмайман. Лекин энди сал катта бўлиб, молия билим юртида ўқиётиб биляпманки, хайрия маблағи катта куч экан. Беморлар, ёрдамга муҳтож кишилар учун ҳам моддий, ҳам руҳий куч бўларкан. Мен ҳар йили республика телевидениесида ўшандай узлуксиз кўрсатувлар бўлиши тарафдориман.

Фахриддин ҚУРБОНОВ,
Марғилондаги молия-иқтисод билим юрти ўқувчиси

НАЗАРМАТ

ЧАВАНДОЗ

Келди яйловга
Шаҳардан Омон.
Минмоқ бедовга
Кўнглида армон.
Тоғаси элда
Машҳур чавандоз.
Ёзилган қирда
Яшил поёндоз.
Салқин шаббода
Ғир-ғир эсади.
Қушлар ҳавода
Ўйнаб учади.
Истайди Омон
Учмоқни отда.
Юрар яйловда
Шундай ниятда.
Тоға жиянин
Ниятин қутлар.
Қирда йилқилар
Яйрашиб ўтлар.
Тоға дер: —Жиян
Сенга бу учқур
Зотли от жийрон,
Қани миниб кўр.
Омон қир бўйлаб
Учмоқ орзуси.
Қарар эгарга,
Зўр узангиси.
Учқур жийронга
Минади аста,
Етиб армонга,
Юрар ҳавасда.
Юганин силтар,
Йўрғалар оти.
Тезлиги ортар
Бордай қаноти.
Тоғаси ортдан
Шод қараб турар.
Дер: —Жияним зўр
Чавандоз бўлар.
Айланиб келиб
Тўхтатди Омон:
«Чавандоз» бўлиб
Қолдим, тоғажон.
Биламан, юртда
Чавандозлар кўп.
Учай бу отда



Мен ҳам, айтинг, хўп.
Тоғаси хурсанд,
Юганин тутар.
Омон раҳмат деб
Отни етаклар.

ҒОР ДЕВОРИДАГИ ОТ СУРАТИ

Қадимий отлар кўпинча ибтидоий аждодларимиз учун емиш бўлганлар. Археологлар муз даври ошхоналари қолдиқлари орасидан уюм-уюм от суякларини топмоқдалар.

Хўш, ўша давр отлари қанақа бўлган экан?

Одамлар доим кўрган нарсаларини, биринчи навбатда, ўзларини қизиқтирган егулик нарсалар тасвирини акс эттиришга ҳаракат қилган. Мамонтлар, бизонлар, кийиклар ва отлар улар учун егулик бўлган. Бу ҳайвонлар сурати Испаниядаги Ласа ғорлари деворларида тасвирланган.

Пакана отлар калта оёқ, калласи кичкина, бўйни йўғон, тиканакдай хурпайган пахмоқ ёлли эди.

Ҳозир шунга ўхшаш отлар борми? Ўша отларнинг ҳамма замондошлари (мамонтлар, ғорда яшовчи айиқлар, қадимий кийиклар) қирилиб кетган-ку.

1968 йилнинг январида Ёқутистондаги Селерикан конидан от суяклари қолдиқлари топилган.

Қолдиқлар катталигини ўлчаб, ҳозирги ёқут отлари билан таққослаб қўрилганида, уларнинг карийб бир-биридан фарқи йўқлиги маълум бўлди.

Мамонт замондоши ракета асригача яшаганини қаранг!

Бундан ўттиз уч минг йил илгари бўлгани каби, бу отлар ҳозир ҳам қишда туёқлари билан қор титиб хас-хашак топиб ейишади. Қалин териси ва жунлари уни совуқдан асрайди. Бу отнинг қаҳрли табиат билан курашларда ҳосил қилган яна бир хусусияти бор: у ў[illegible] танасида мой йиғади. Ёқут отларнинг этига ёз мобайнида юз килограммгача эт қўшилади — бу узоқ давом этадиган қиш фасли учун зарур озуқадир.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.

ОЛАТОЙ ҲАҚИДА ҚИССА

Исмоил СУЛАЙМОНОВ

(Боши ўтган сонларда)

— Ҳой, қаердасиз? — бу опоқойингизнинг товуши эди.

— Бу ердаман, — дарчадан жавоб бераман.

— Вой, нима қилаяпсиз?

— Олатой билан яқиндан танишиб олаяпман.

— Тавба, кўрган одам нима дейди. Тоза ўзингизга эрмак топиб олибсиз-да.

— Додажон, Олатой ўша ерда эканми? — жовдираб сўрайди Жамшидхон.

— Биз ҳам тушсак бўладими? — бу Зафархоннинг овози эди.

— Сабр қилинглар, болаларим, сабр, уни чўчитиб юбормаслигимиз керак.

Ташқаридагилар билан овора бўлиб, билмай қолибман, Олатой келиб гўштни еб, бир оз сув ичиб, лабини ялаган ҳолда менга тикилиб турарди. Уни силамоқчи бўлиб қўлимни чўзган эдим, бўйнини энгаштирди, ерга бир оз қапишди, лекин қочмади. Аста силай бошладим. Чўчимади, жим тураверди. Кўнглим жойига тушди, бўлди — у бизга ўрганди, энди ҳеч қаерга кетмайди.

Эртасига одатдагидек барвақт туриб, ҳовлига туша солиб, Олатойни қидирдим. Буни қаранг, ҳув бир четда ўзини офтобга солиб ётибди. Чақирган эдим, келди.

Шундай қилиб десангиз, Олатой бизникида қолди. У невараларимга ҳар куни бир олам қувонч ва ҳузур бахш этарди. Ким ҳовлига тушса дарров чопиб келади, оёқларига майин сурканиб қўяди. Ўтирсангиз, ёнингизга келиб ётиб олади. Кўзим тушиб қолади. Олатой орқаси билан ерга ётиб олган, оёқларини кўкка тираган ҳолда Жамшидхонга тикилиб туради. Бирдан думалайди, гоҳ ўнг томонга, гоҳ чапга. Неварам хурсандлигидан қичқиради.

— Бувижон, бувижон, буни қаранг, Олатой менга томоша кўрсатяпти.

Бундан опоқойингизнинг ҳам кўнгли яйрайди. Латтадан копток ясаб, ингичка канопга боғлаб бердилар.

— Буни секин кўрсатиб сўнг тортсанг, Олатой ўзини отади. Кўр-чи, мушугинг сенга яна қанақа томоша кўрсатаркин.

Жамшидхон мамнун «коптокча»ни Олатойнинг олдига сурди. Буни қаранг, у дарров зийрак тортди, ўрнидан турди. Шунда Жамшидхон аста канопни тортиб қўйди. Копток сурилди. Олатой ерга қапишиб олган ҳолда унга тикилиб қотиб қолди. Шу ҳолатида кўзларига қарасангиз — ёнарди. Думини ликиллатиб, танаси майин силкина бошлади, Бир зум тургач, шиддат билан ўзини коптокка отди. Ушлаб олиб, тишлаган бўлди, у қўлидан бу қўлига олар, отиб юборар ва яна унга ўзини ташларди. Бу ҳолатни кузатаётган Жамшидхон ўзида йўқ хурсанд. У қийқирарди, чапак чаларди.

— Буни қаранг, бувижон, Олатойни қаранг, — дерди тинмай.

Шу пайт Зафархон ҳам мактабдан қайтиб келди. Ҳовлидаги томошани кўриб, борлиқни унутди. Кўзлари чақнаган ҳолда даврага қўшилди.

— Қани, канопни менга ҳам бер-чи, мен ҳам ўйнай, Олатой билан.

— Йўқ, буни бувимлар менга ясаб бердилар, сенга бермайман, — қайсарлик қиларди кичик неварам.

— Ҳой, Жамшидхон болам, акангга бер, бу иккалангизга, — опоқойингиз уларни муроса қилишга чақирарди.

(Давоми бор)

РУҚИЯ ОПА

Воқеий ҳикоя

Уқитувчимиз Руқия опа икки кун дарсга келмадилар. Муаллимамизнинг ҳеч бунақа одатлари йўқ эди. Айниқса қизлар хавотирландик. Бизни ташлаб бошқа мактабга ўтиб кетдилармикан, деган ўй тинчимизни бузди, ўйлай-ўйлай, охири мактаб директоридан сўрадик.

— Руқия опа бетоб, уларни сенлар касал қилдиларинг, — деса бўладими директоримиз Муниса опа!

Бу гап бутун мактабга тарқалди. Нима дейсан, 7-«А»дан ҳамма безор.

Бу аччиқ гапга чидай олмай, аввал ўзимизни оқламоқчи бўлд[illegible]к. Лекин фойдаси йўқ эди, чунки тан олмасак-да ич-ичимиздан бу гапда жон борлигини сезиб турардик. Ҳаммасига мана шу Фотима сабаб бўлди. У келди-ю, синфимизда тартиб бузилди. У кўпинча дарсларга келмас, келса ҳам театрга келгандек ясаниб, ҳатто тирноқларини бўяб келарди. Танаффуслардан дарсга кеч қайтарди, бир ўзи бўлса кошкийди, ёнидаги иродаси бўш қизларниям ўз таъсирига тортарди.

Уз синфи ҳамиша мактабда илғор бўлиб юришидан боши баланд Руқия опа бу аҳволдан қаттиқ изтироб чекдилар. Назаримда, ҳатто уйидаги болаларини ҳам унутиб, Фотиманинг юриш-туриши билан шуғулландилар. Аввал насиҳат қилдилар, кейин онадек қаттиқ койидилар — фойдаси бўлмади. Бу тергашларга аччиқма-аччиқ қилиб Фотима янгидан-янги қилиқлар чиқарарди... Охиргиси ошиб тушди, шекилли!

Ушанда Фотима мактабга шим кийиб келди. Бойвуччалигини кўрсатиш учун сумкасига бир блок сигарета солиб олганди. Сотмоқчидек, партаси устига териб қўйди. Болалар уларни қўлга олиб кўришди. Шунда Фотима:

— Болалар, мен «торгаш» эмасман. Бу — текин! Сизларга ўртоқчиликка олиб келдим! Чекинглар, — деса бўладими!

Бу гапни қаёқдан эшитишди экан, билмайман, дарров юқори синфларда ўқийдиган беш-олти олифта кириб келди. Синфхона тутунга тўлди. Худди биров айтиб киргандек, остонада Руқия опамиз пайдо бўлдилар. Воқеани кўриб, эшитиб негадир жим бўлдилар. Ранглари оқариб, столга ўтириб қолдилар. Анча[illegible]ан сўнг Фотимани етаклаб чиқиб кетдилар...

Ушанда бетоб бўлиб қолган эканлар-да!

Синфдошлар тўпланиб, муаллимамиз ётган шифохонага бордик. Айтишларича, ўрнидан турмайдиган тартибда даволаниши керак экан. Бизнинг қий-чувимизни эшитдиларми, ёки бизни кутиб ётган эканларми, опамиз дераза ойнасидан қараб, биз билан саломлашдилар. Кейин кўзлари билан орамиздан бировни қидиргандек бўлдилар. Билдим, улар Фотимани излаётирлар. «Фотима дўстларидан ажралиб ҳозир қаерда юрибди экан», — деб ташвиш чекаяптилар, назаримизда...

Гулнора ОДИЛОВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги 113-мактаб ўқувчиси.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0155.
11960 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: № 64563
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй